


№ 01/1-01-26- 15
20.10.2020 й.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Давлат статистика
қўмитаси раиси



Б. Бегалов

“ ” 2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
tizимида 2021 йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий
КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddатлари	Масъуллар
I. Аҳолининг, шу жумладан статистика ҳисоботларини топширувчи, статистика кузатувларида иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш				
1	Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилган Давлат дастурлари ва бошқа қонун ҳужжатларининг мазмун моҳиятини тушунтиришга бағишланган тадбирларни ташкил этиш.	Аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, жумладан статистика ҳисоботларини топширувчи, статистика кузатувларида иштирок этувчи субъектлар ва тизим ходимлари иштирокида давра суҳбатлари, семинарлар, конференциялар, тренинглари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш.	2021 йил давомида (ҳар чоракда камида биттадан)	Д.Холмуродов, Қ.Мусаев, Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссия (кейинги ўринларда - Идоравий комиссия), худудий статистика органлари
2	Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тушунтиришга, коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилган кўргазмалар ва таркатма материаллар (плакатлар, баннерлар, буклетлар ва бошқалар)ни тайёрлаш ва тарқатиш.	1. Кўргазмалар материаллари (плакатлар, баннерлар, рисолалар, буклетлар, инфографикалар ва бошқалар)ни тайёрлаш. 2. Тайёрланган материалларни аҳолига, тадбиркорлик субъектлари вакилларига, давлат статистика ҳисоботини топширувчи субъектлар вакилларига тарқатиш.	Доимий	Д.Холмуродов, Ж.Ширинов, У.Қулмурадov, Қ.Мусаев, Идоравий комиссия, худудий статистика органлари
3	Коррупциянинг хавф-хатарларини таҳлил қилиш асосида, қўмита ходимларини хабардор қилиш ва билимларини оширишда мақсадли тадбирларни амалга ошириш.	Мавзули аудио-, видеороликлар, баннерлар, плакатлар ва инновацион ахборот-тарғибот материалларидан фойдаланган ҳолда ходимларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат, коррупцияга қарши курашишнинг аниқ хулқини шакллантиришга қаратилган, коррупцияга қарши курашиш борасида кампанияларни ўтказиш.	2021 йил давомида алоҳида режа-жадвал асосида	У.Абдурасулов, Қ.Ахмедов, Қ.Мусаев, Идоравий комиссия, Б.Ғойибназаров, худудий статистика органлари

Т/р	Чора-тадбирлар мазмуни	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъуллар
4	Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг натижалари бўйича оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида кенг ахборот-тарғибот ишларини олиб бориш.	Оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида кенг ахборот-тарғибот ишларини олиб боришда Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпанияси билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш ва ишлаш.	2021 йил давомида	Д.Холмуродов, У.Абдурасулов, Ш.Одилов, Ш.Джананилов, Қ.Мусаев, Идоравий комиссия, худудий статистика органлари
5	Коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат статистика органлари мансабдор шахслари ва ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш.	Тизим раҳбар ва ходимлари томонидан мансаб ваколатларини суистеъмол қилишга йўл қўймаслик, коррупция ҳолатларини олдини олиш, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида, уларга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва аҳамиятини чуқур етказиш бўйича семинар ва давра суҳбатлари ташкил этиш.	2021 йил давомида, ҳар чоракда	Д.Холмуродов, У.Абдурасулов, Қ.Аҳмедов, Қ.Мусаев, Идоравий комиссия, худудий статистика органлари
6	Давлат статистика органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишлари, ўз касбига нисбатан масъулият ҳиссини ошириш, юклатилган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда ҳалоллик, ҳолислик, беғаразлик тамойилларига риоя қилишларини таъминлашга ҳамда лоқайдлик ва бошқа салбий ҳолатларга қатъий чек қўйиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш.	1. Ходимлар ўртасида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш. 2. Одоб-ахлоқ қоидаларини тушунтиришга, ходимларнинг ўз касбига нисбатан масъулият ҳиссини оширишга, ҳалоллик, ҳолислик, беғаразлик тамойилларига риоя қилиш ва салбий ҳолатларга қатъий чек қўйиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган семинар, давра суҳбатлари ташкил этиш.	2021 йил давомида	Одоб-ахлоқ комиссияси, худудий статистика органлари
7	Алоҳида мақсадли гуруҳларнинг (давлат хизматчилари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва бошқалар) коррупцияга қарши курашиш механизми ва тизими ҳақида ҳуқуқий билими ва	Давлат органлари фаолиятининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш борасида амалий тавсияларни ишлаб чиқиш. Коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-	2021 йил октябрь - ноябрь ойларида	Д.Холмуродов, Қ.Мусаев, Идоравий комиссия, худудий статистика органлари